Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда.

Яъни ишга қабул қилишда номзодларнинг амалдаги қонун талабларига тўғри келиш-келмаслиги, “Давлат фуқаролик хизмати” тўғрисидаги қонун талаблари бўйича чекловлар йўқлиги, манфаатлар тўқнашувининг мавжуд, мавжуд эмаслиги, маълумотлар асосида текшириш йўлга қўйилган. Бу бўйича вазирлик томонидан тегишли буйруқ асосида Йўриқнома ҳам қабул қилинган.

Ушбу Йўриқнома вазирликка ишга қабул қилишда номзодлар текширувини ўтказишнинг тамойиллари, талаблари, тартиби ва муддатларини белгиловчи ички ҳужжат ҳисобланади. Йўриқнома мақсади Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда вазирликнинг ички ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳалол, сифатли, пухта, холис амалга оширишга қодир жисмоний шахслар билан меҳнат муносабатларини расмийлаштиришга эришилишини таъминлаш, вазирлик тизимида лавозим мажбуриятларини бажариш учун етарли билим ва тажрибага эга бўлмаган, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шунингдек уларни ишга олиш вазирлик учун обрў, коррупцияга оид ёки бошқа хатарларга олиб келувчи номзодлар билан меҳнат муносабатларига киришиш хатарини минималлаштириш, раҳбарлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларга билимли, ҳалол, виждонли, қонунга итоаткор ходимларни танлаб олиш ҳисобланади.

2026 йил 9 ойи давомида жами 6 бўш иш ўринлари https://vacancy.gov.uz/ орқали эълон қилиниб, 3 нафар ходим ротация қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси
қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги